

Юнус алайҳиссаломнинг дуолари



09:28 / 03.07.2018 60545

Кўпчилигимиз эртаю кеч дуо қилишимизга қарамай, нега Аллоҳ таоло дуоларимизни ижобат қилмаяпти? Ваҳоланки, саййидимиз Юнус алайҳиссалом ҳутнинг қорнида туриб дуо қилганларида, Аллоҳ таоло у кишининг дуоларини тезда ижобат қилган-ку!

Қуйида дуо ижобат бўлиши учун лозим бўлган шартларни келтириб ўтамыз.

Оғирлиги 100 тоннадан оғирроқ бўлган улкан ҳут сизни ютиб юборишини ва сиз зулмат ичида қолишингизни ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

Агар шундай вазият бошингизга тушса, нима қилардингиз?

Кимга нидо қилардингиз?

Сиз нидо қилаётганингиз Зот ижобатга қодирлигини тасаввур қиласизми?

Юнус алайҳиссаломнинг қиссалари ҳақида ўйлаб кўрганимда, уни бугунги кунимизга солиштирганимда ушбу саволлар хаёлимга келди.

Муаммоларимизни ҳал этишнинг энг муҳим йўли – дуодир. Кўп дуо қиламыз. Лекин тез ижобат бўлмайди. Бунга сабаб ихлоснинг йўқолганидир.

Азизлар! Дуонинг иккита муҳим шarti бор: ихлос, амал.

Ихлос – дуо қилаётган пайтимизда бутун қалбимиз ва ақлимиз билан Аллоҳ таолога юзланишимиздир. Бу мартабага етишимиз учун амалларимиз,

тасарруфотларимиз, гапларимизга қарашимиз керак. Хўш, улар Аллоҳ буюрганидекми? Аллоҳ рози бўладиган тарздами? Амалимиз билан Аллоҳнинг розилигини кўзлаяпмизми?

Амалга келсак, биз Холиқ таолонинг нидосига "лаббай" деб ижобат қиламиз. Ўқиймиз, борлиқ, табиат ва нафс сирларини ўрганамиз. Ана шунда илмий йўл ҳақида ўйлаймиз. Ўша илмий йўл орқали ўз нафсимизни ривожлантирамыз, ўстирамыз. Натижада, амалларимиз Аллоҳ учун, Аллоҳ буюргани учун бўлади. Ана ўшанда, Аллоҳ хоҳласа, дуо ижобат бўлади.

Лекин бугунги кундаги муаммо шуки, кўплаб мусулмонлар ихлос ва амални йўқотдилар. Уларда дуо қабул бўлишининг ташқи шартлари қолди. Лекин асосийси қалбдир! Аллоҳ таоло бизнинг шаклларимизга, суратларимизга қарамайди, балки, қалбларимизга назар солади.

Қалбларимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қалбларидек покми?!

Биз икки олам сарвари соллаллоҳу алайҳи васалламдек тавозеълимизми?! Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдек фақирларга, мискинларга яқинлашяпмизми?!

Воқеалардан таъсирланишимиз қай даражада? Аллоҳнинг ғазаби келадиган ишларга бизнинг ҳам ғазабимиз келиб, Аллоҳ рози бўладиган ишлардан биз ҳам рози бўляпмизми?!

Иймондош биродарларимизнинг қийналаётганини кўрганда биз ҳам қийналамызми? Ёки бу машаққатни ҳис қилмаймызми?

Аллоҳга қасамки, агар мусулмонлар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларидан биттасини ҳаётларига татбиқ этганларида эди, инсонларнинг энг бахтлиси, энг куч-қувватлиси бўлардилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам “Сизлардан бирингиз то ўзи учун яхши кўрган нарсани биродари учун ҳам яхши кўрмагунча комил мўмин бўлолмайди” деганлар.

Айтингчи, чиндан ҳам ўзингизга раво кўрган нарсани биродарингиз учун ҳам раво кўрасизми? Афсуски, ундай бўлмай қоляпти. Бугунги кунда ғарб оламидагилар бу қоидага амал қилишяпти. Улар дунёвий фойдани қўлга киритиш илинжида бир-бирлари билан ҳамкорлик қиладилар. Биз Аллоҳ таолонинг розили учун бир-биримиз билан ҳамкорлик қила олмаймызми?!

Юнус алайҳиссаломнинг бошларидан ўтган воқеани ўқиганимда мана шу нарсалар менинг эсимга келади.

У кишини кечкурун денгизга ташланганида, бир хут ютиб юборди. У зот бир муддат бир нечта зулмат ичида яшадилар. Булар – кечанинг зулмати, денгизнинг зулмати, хут қорнининг зулмати. Лекин шундай аҳволда ҳам Аллоҳ таолони унутмадилар. У киши хутнинг ичида Аллоҳга тасбеҳ айтар ва ихлос билан нидо қилар эдилар. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда бу ҳақида шундай деган:

لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ نَزَّلْنَا مُطَّلِلًا فِي سَدَائِفٍ لَّيْلٍ رَّزِقْنَا نَزَّلْنَا ظَفَّابِضًا مَبَّذًا فِي نُونٍ لَّا آدُو
نِيْمَلًا ظَلَّلْنَا مُمْتَنِّكِي نَزَّلْنَا حُبَّ سَاتِنًا

“Зуннунни эсла. Ўшанда у ғазабланган ҳолда чиқиб кетган эди. Бас, у Бизни ўзига (ер юзини) тор этмайди, деб гумон қилди.

Зулматларда туриб, Сендан ўзга Илоҳ йўқ, Сен поксан, албатта, мен золимлардан бўлдим, деб нидо қилди”. (Зуннундан мурод Юнус

алайҳиссаломдир. «Нун» балиқ дегани, Зуннун эса, балиқ эгаси дегани.

Юнус алайҳиссаломни денгизда балиқ ютиб юборган, кейин қирғоққа

келиб, Аллоҳнинг амри билан чиқариб ташланган. Шунинг учун

Зуннун–балиқ эгаси, лақабини олганлар. У зотнинг қиссалари Ас-Саффот

сурасида келади. Аммо бу сурада сиёққа мос равишда қисқача баён

қилинмоқда. Юнус алайҳиссалом қавмларининг қилмишларидан

ғазабланиб, юртларини ташлаб чиқиб кетдилар. Уламоларимиз

айтишларича, аслида у киши бошқа Пайғамбарларга ўхшаб сабр

қилишлари, Аллоҳнинг амрини кутишлари керак эди. Аммо бундай

қилмадилар. Қавмларига зарда қилиб, юртларидан чиқиб кетдилар. Сўнгра

Аллоҳ таоло, у кишини балиққа юттириб, синовга учратди. Ана ўшанда,

«зулматларда туриб», яъни кеча зулмати, денгиз ости зулмати ва балиқ

қорни зулматида туриб, Аллоҳ таолога ёлбориб: **«Сендан ўзга Илоҳ йўқ,**

Сен поксан, мен золимлардан бўлдим, деб нидо қилди».) (Анбиё

сураси, 87-оят).

Ушбу оятда келган дуо – машаққатга учраган, ғамга ботган пайтда айтиладиган дуодир!

Азизларим! Бугунги кунда барчамиз ушбу дуони кўп эсга олишимиз, кўп

айтишимиз керак. Шоядки Аллоҳ таоло биздан турли муаммоларни,

зарарларни, ғамларни аритиб, ҳар бир инсонга сўраган нарсасини берса!

Аллоҳ таоло мазкур дуонинг ортиданоқ уни ижобат қилди ва Юнус

алайҳиссаломни ғамдан қутқарди. Нега? Чунки, у киши Аллоҳга ҳақиқий

маънода иймон келтирган, ихлосли мўмин эдилар. Аллоҳ таоло юқоридиги

оятнинг давомида шундай деган:

نَبِيْنِمْوْمُوْمِ الْيَحْيٰى نُنْكَرْ لَدٰكْ وَوَمَعْلٰمِ نَمُّهٗ اَنْ يَّجِيْعَ وَوَهْلٍ اَنْ يَّجْتَسِاَف

“Бас, Биз унинг (дуосини) ижобат қилдик. Унга ғамдан нажот бердик. Мўминларга шундай нажот берурмиз” (Анбиё сураси, 88-оят).

Юқоридаги сурат National Geographic сайтида эълон қилинган бўлиб, унда инсоннинг ёнида турган ҳутни ҳақиқий катталиқда кўришимиз мумкин. Шу ўринда яна Юнус алайҳиссаломнинг қиссаларини эслагим келди. Бу расмдаги ҳутга, унинг оғзи қанчалик катталигига қаранг. Бу ҳут ёнида турган инсонни осонлик билан ютиб юбориши мумкин. Лекин саййидимиз Юнус алайҳиссалом “Сендан ўзга Илоҳ йўқ, Сен поксан, мен золимлардан бўлдим” деб тасбеҳ айтувчилардан эдилар. Мана шу тасбеҳлари у кишининг ғамдан қутулишларига сабаб бўлди. Аллоҳ таоло дарҳол у бандасига нажот берди ва ҳутнинг оғзидан ташқарига чиқарди.

“Бас, Биз унинг (дуосини) ижобат қилдик. Унга ғамдан нажот бердик. Мўминларга шундай нажот берурмиз”.

Дўстларим! Сиз ўз муаммоларингиз ва ғамларингизни ҳутнинг қорнидаги Юнус алайҳиссаломнинг ғамларидан каттароқ деб ўйлайсизми?! Албатта, ушбу солиҳ бандасига дуосининг баракаси билан муаммодан нажот берган Зот бизга ҳам ҳар қандай муаммодан нажот беришга қодирдир! Лекин бир шарти бор:

نَبِيْمِ لَاطْلٰلِ نَمُّتُنْكَ يٰنِيْٓ اِنَّكَ اِنْ اَخْبُسْتَ اَنْ اِلٰهَ اِلٰهٍ

“Лаа илааҳа иллаа анта. Субҳаанака. Инний кунту мираз золимийн” («Сендан ўзга Илоҳ йўқ, Сен поксан, мен золимлардан бўлдим») дуосини кўп қилишимиз керак.

Аллоҳ таолога барча мусулмонларни ғамдан қутқаришини сўраб дуо қиламиз. Албатта, У барча нарсага қодирдир!

Абдуддоим Қаҳелнинг мақоласини
Нозимжон Иминжонов таржима қилди